

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСРАИЛОВА ЗАРИНА САДРИДДИНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Исраилова Зарина Садриддиновна**

Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари  
фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини  
такомиллаштириш ..... 3

**Исраилова Зарина Садриддиновна**

Совершенствование механизма оценки эффективности деятельности  
представительных органов государственной власти на местах в  
Узбекистане..... 25

**Israilova Zarina Sadriddinovna**

Improving the mechanism for evaluating the efficiency of local  
representative bodies in Uzbekistan..... 47

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works ..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСРАИЛОВА ЗАРИНА САДРИДДИНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Үу173 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.dba.uz/uz/avtoreferatlar](http://www.dba.uz/uz/avtoreferatlar)) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна</b> юридик фанлар доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Рўзметов Хайрулло Ибадуллаевич</b> юридик фанлар доктори <b>Муратаев Серикбек Алпамисович</b> юридик фанлар номзоди, в.б. доцент
<b>Етақчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси</b> <b>Харбий-техник институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үу.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “7” июль куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (998) 71-233-66-36; факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 918 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил “18” июнь куни тарқатилди.

(2020 йил “17” июндаги “1” рақамли реестр баённомаси).

**Р.Р. Ҳақимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори

**Ш.А. Сайдуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**М.А. Аҳмедшаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, уларнинг ваколатлари ва механизмларини янада оптималлаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда рўй бераётган глобал ўзгаришлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасидаги муаммоларнинг тобора чуқурлашиб бориши маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг олдига янгидан янги вазифаларни қўймоқда. Ўндан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда демократик-ҳуқуқий тараққиётнинг энг долзарб, бирламчи шартларидан бири эканлиги қайд этилган.

Жаҳон илм-фанида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ХХІ аср бошидаги ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва молиявий инқироз дунё ҳамжамятини замонавий хатарларга жавоб бериш механизмларини такомиллаштириш, хусусан, ҳокимият фаолияти ва бошқарув сифатини баҳолашнинг янги усулларини топишга мажбур қилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини юксалтириш ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда бу фаолиятни холис баҳолаш механизмидан кенг фойдаланиш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Сўнгги тўрт йил давомида мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини объектив баҳолашга йўналтирилган жиддий чора-тадбирлар амалга оширилди. “Қачонки, ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади”<sup>1</sup>. Маҳаллий депутатлар ишининг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари ва уни техник-технологик жиҳатдан таъминлаш улар фаолияти самарадорлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сонли «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5635-сон фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б.71.

Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 27 октябрдаги ҚҚ-255-Ш-сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашини “намунали” деб топишнинг мезонлари тўрисида”ги Низомида ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг айрим жиҳатлари С. Адилходжаева, Ш. Асадов, Д. Бекчанов, А. Дадашева, Ш. Жалилов, Г. Исмаилова, А. Йўлдошев, Г. Маликова, А. Махмудов, С. Муратаев, Х. Одилқориев, М. Раджабова, Х. Рузметов, И. Собиров, А. Тўлаганов, И. Хамедов, О. Ҳусанов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига тааллуқли илмий изланишлар В. Авсеенко, А. Акмалова, Г. Атаманчук, М. Баглай, В. Баранчиков, Г. Барабашев, Н. Бондарь, В. Бочаров, Т. Бялкина, О. Кишаковская, О. Кутафин, Р. Мухаев, Н. Пешин, А. Прудников, А. Старостин, Л. Санова, Р. Туровский, А. Шаповалова, Е. Хазов, Т. Яковлева ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда эса А. Герберт, М. Жеффери, А. Томпсон, У. Дональд, В. Смитбург (АҚШ), А. Чандлер, Ж. Кингдом (Буюк Британия) ва бошқа олимлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ масалалар талқин қилинган<sup>2</sup>.

Бироқ юқорида келтирилган тадқиқотлар таҳлили Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий ва амалий муаммолари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, шунингдек, ушбу соҳага оид халқаро ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида комплекс тадқиқот иши сифатида алоҳида ўрганилмаганидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-20170929253 “Давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>2</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

баҳолашнинг замонавий усулларини жорий этиш” (2018–2021й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, унинг мақсад ва вазифалари, унга таъсир қилувчи омилларни ёритиб бериш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш тизимини аниқлаш ва уларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини таҳлил қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг шакл ва усулларини, унинг амалга оширилиш механизмини ўрганиш, аниқланган муаммоларни бартараф этишнинг самарали йўналишларини белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашни амалга оширишнинг илғор хориж тажрибасини тизимли асосда ўрганиш ва уларни мамлакатимизда амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти, унинг самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ илмий-назарий адабиётлар, миллий ва хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш механизмлари ҳамда амалиётдаги мавжуд муаммолар, масалага оид статистик маълумотлар, соҳа вакиллари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда билишнинг диалектик, таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, тизимли-тузилмавий, формал-юримдик каби усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган ҳамда уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган депутатлар сиёсий партиянинг таклифи асосида чақириб олиниши зарурлиги асослаб берилган;

маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ўз ваколатларини амалга оширишга оид қарорларнинг норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар талаблари доирасида қабул қилинаётгани, ижрочиға етказилаётгани ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётганини, қарор ижросини таъминлаш даражаси мезони сифатида баҳолаш зарурлиги асослаб берилган;

маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида депутатлар томонидан халқ билан бевосита мулоқотнинг қай даражада йўлга қўйилганлигини, жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларида кўтарилган муаммоларни ҳал этиш мезони сифатида баҳолаш зарурлиги асослаб берилган;

“Меҳнаткаш депутат” мақомига эга бўлиш учун номзодлар, яъни маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб боришлари мезони сифатида баҳолаш зарурлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“ҳуқуқий самарадорлик”, “маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг самарадорлиги”, “маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш” каби тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш субъектлари ва объектлари белгилаб олинган;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган ички ва ташқи омиллар белгилаб олинган;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда депутатлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун “Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашини “намунали” деб топишнинг мезонлари тўғрисидаги Низом”ни қатор миқдорий ва сифатий мезонлар билан тўлдириш таклиф этилган;

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш сифатида қуйидагилар: қонунийлик, шаффофлик, холислик, мустақиллик, ишончлилик, ҳудудлар бўйича таққослаш, ошкоралик тамойиллари таклиф этилган;

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари фаолиятини баҳолаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари асосида умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг фаолият

самарадорлигини баҳолаш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Конституциявий ҳуқуқ”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Маҳаллий бошқарув”, “Ўзбекистонда ҳокимият вакиллик органлари” каби фанларни ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, Давлат бошқарув академияси томонидан маҳаллий депутатлар учун ташкил этиладиган ўқув семинарлари ва тренингларда, ўқув ва усулий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилган сўрови, шунингдек, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партиянинг таклифи асос бўлиши мумкинлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, сиёсий партиялар томонидан депутатларни баҳолаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш учун хизмат қилган;

маҳаллий Кенгашлар томонидан ўз ваколатларини рўёбга чиқаришга оид қарорларнинг қонун ҳужжатлари талаблари доирасида қабул қилинаётгани, ижрочиларга етказилаётгани ва оммавий ахборот воситаларида (веб-сайтда) эълон қилинаётгани, қарорлар ижроси қай даражада таъминланаётганлиги мезонига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 27 октябрдаги КҚ-225 – III - сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашини “намунали” деб топишнинг мезонлари тўғрисида”ги Низомнинг 3.1-банди бешинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2019 йил 9 сентябрдаги 11-09/1734-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф халқ депутатлари Кенгашларининг ахборот жиҳатдан очиқлигини сезиларли равишда кенгайтириб, ҳар бир

ҳудуд, туман ва шаҳар аҳолисига улар томонидан сайланган ҳокимият фаолиятини баҳолаш ва уларни бошқа тегишли халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти натижалари билан таққослашга хизмат қилган;

депутатлар томонидан халқ билан бевосита мулоқотнинг қай даражада йўлга қўйилгани, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларида кўтарилган муаммо ҳамда масалаларни ҳал этиш бўйича депутатлар фаолиятининг самарадорлик мезонига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 27 октябрдаги КҚ-225 – III - сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашини “намунали” деб топишнинг мезонлари тўғрисида”ги Низомнинг 3.4-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2019 йил 9 сентябрдаги 11-09/1734-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф маҳаллий Кенгашлар, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатлари фаолиятини тўлиқроқ ўрганиш, уларнинг ижобий ва намунали фаолиятини рағбатлантириш, фаолияти намунали ташкил этилган маҳаллий Кенгашлар иш тажрибасини бошқа Кенгашларга ҳам татбиқ этиш орқали ушбу органлар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўз фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали доимий ёритиб бориш мезонига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 25 декабрдаги КҚ-278 – III - сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тўғрисидаги намунавий Низом”нинг 6-банди бешинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2019 йил 28 октябрдаги 11-09/32-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи ва ҳокимият фаолиятини мунтазам ёритиб бориш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни 10-моддасининг ижроси самарадорлигини ошириш, яъни оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан мунтазам ўзаро ҳамкорлик қилишни таъминлаш учун хизмат қилган;

жамият ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги билан халқ орасида муносиб обрў-эътибор қозониш мезонига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 25 декабрдаги КҚ-278 – III - сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тўғрисидаги намунавий Низом”нинг 7-банди тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2019 йил 28 октябрдаги

11-09/32-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф депутатларнинг аҳоли (сайловчилар) билан узвий мулоқот ўрнатган ва уларнинг муаммоларини ўрганган ҳолда, халқни қизиқтираётган масалалар бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлишига, ўзининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органидаги иш фаолиятида сиёсатнинг тўғри йўналишини ишлаб чиқишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 18 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 10 та (5 та хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 8 та илмий мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иккита иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий–методологик таҳлили”** деб номланиб, иккита параграфдан иборат. Биринчи параграф “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий жиҳатлари”га бағишланган. Унда “самарадорлик”, “баҳолаш”, “ҳукукий самарадорлик”, “маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи самарадорлиги”, “маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи самарадорлигини баҳолаш” тушунчалари, уларнинг назарий асослари ёритиб берилган.

Замон давлат ва жамиятнинг барча соҳалари қаторида, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятини ҳам тубдан такомиллаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигига аниқ баҳо беришни талаб этмоқда. Шу ўринда “самарадорлик”, “ҳукукий самарадорлик”, “маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи самарадорлиги” тушунчаларига изоҳ бериш ўринлидир.

Самарадорликнинг моҳиятини аниқлаш учун бир қанча назарий ва

ушулбу тушунча мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиши билан изоҳланади.

Диссертация давомида “самарадорлик” атамаси таърифига тўхталиб ўтилган. “Самарадорлик” тушунчаси лотинча “эфект” (effectus) сўздан олинган бўлиб, натижа, қандайдир сабаб ва ҳаракатлар оқибати деган маънони англатади. Ўз-ўзидан самарадорлик олдиндан режалаштирилган, мақсадли, керакли натижаларга олиб келувчи таъсирчанлик, натижадорликни билдиради.

У иқтисодий соҳадан келиб чиққан бўлиб, унда “самарадорлик” тушунчаси остида унинг сарфланган ресурсларга нисбатан амал қилишининг фойдали якуний натижаларида ўз аксини топадиган ва самарадорлик мезонлари деб аталувчи миқдор кўрсаткичлари мажмуи билан ўлчанадиган иқтисодий тизим натижадорлиги тушунилади<sup>1</sup>.

“Самарадорлик” атамасини биз кўпинча, моддий ишлаб чиқариш соҳасига татбиқ этамиз, масалан, “ишлаб чиқариш самарадорлиги”, “янги технологиялар самарадорлиги” каби. Бунда самарадорликка имкон қадар кам ҳаражат сарфланиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, фойда олиш нуқтаи назаридан ёндашилади. Самарадорлик атамасини ҳуқуқшуносликда турли йўналишларда қўллаш мумкин, масалан, ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги, қонунчилик самарадорлиги, ҳуқуқ нормалари самарадорлиги, жинсий ҳақдорлик самарадорлиги кабилар. Самарадорлик доимо натижа билан ёнма-ён юради. Самарадорлик деганда, маълум бир фаолиятнинг натижадорлигини назарда тутамиз.

Ижтимоий луғатларда “самарадорлик” тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Биз машҳур жамиятшуносларнинг илмий ишларидан топишимиз мумкин бўлган маълумотларнинг барчаси ўша ёки бошқа ижтимоий ҳодиса: ижтимоий ишлаб чиқариш, меҳнат, ижтимоий тизим, ижтимоий фаолият, ижтимоий тадқиқот самарадорлигини аниқлашга олиб келади ва ушул ҳодисага самарадорликнинг “иқтисодий” характеристикасини жорий қилган ҳолда мазкур ҳодисанинг фойдалилик даражаси орқали кўриб чиқилади. Фикримизча, сиёсий самарадорликнинг табиати ўта мураккаб. Муваффақият мақсадининг самарадорлиги билан бир қаторда, ҳар қандай ҳокимиятнинг олий мақсади ва ажралмас функцияси ҳисобланган жамиятни сақлаш ва ривожлантириш даражасини кўзда тутиши бўйича ҳокимият самарадорлигини алоҳида эътироф этиш мумкин<sup>2</sup>. Айнан шу мезон бўйича жамият сиёсий ҳокимиятнинг самарадорлигини баҳолайди.

Аниқ ва ягона самарадорликни аниқлашнинг иложи йўқ. Самарадорлик – ҳуқуқий омил ва тўсиқларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ўзига хос “меҳнат унумдорлиги”, уларнинг маҳсулдорлиги, фойдали иш коэффицентидир. Тадқиқотчининг фикрича, ҳуқуқий самарадорлик деганда, норматив-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Сухарев, О.С. Теория эффективности экономики / О.С. Сухарев. – Москва: Финансы и статистика, 2009. – 369 с.

<sup>2</sup> Шабров О.Ф. Политическая власть, ее эффективность и легитимность // Политология: учебник / отв. ред. В.С. Комаровский. М. 2002. -С.122–136

ҳужжатлар ижросининг таъминланганлик даражаси тушунилади.

Олиб борилган изланишларга асосланиб, тадқиқотчи, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг самарадорлиги томонидан қуйидагича таъриф берилди: барча ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган, халқ депутатлари Кенгашига берилган ваколатларнинг юқори сифатли, профессионал ва келишилган ҳолда бажарилиши, иқтисодий ва техник натижадорликлар, аҳоли давлат хизматларининг тўлалигидан қониқиш компонентларини қамраб олувчи мезондир.

Параграф доирасида “маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш” тушунчаси ўрганилиб – маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятининг самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича тегишли маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва мезонлар асосида баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир, деган хулосага келинди.

Тадқиқотчининг фикрича, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятини баҳолаш – бу уларнинг ваколатига мувофиқ жойлардаги вакиллик органи мақсад ва вазифаларини амалга ошириш чоғида уларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш жараёни бўлиб, келгусида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун жиддий ва муҳим ахборот олиш имконини беради.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида маҳаллий давлат ҳокимияти органи фаолияти мониторингини амалга ошириш механизми ва тартиби, мониторинг фаолиятини мувофиқлаштириш, улар фаолиятини баҳолаш тамойиллари, мезон ва кўрсаткичлари, мониторинг ва баҳолашни амалга оширувчи органлар, ушбу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларлар ва оммавий ахборот воситаларининг иштироки ва механизмлари тўлақонли очиб берилмаган. Айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органи фаолияти устидан доимий ва кетма-кет равишда текширув ва назоратлар ўтказилиши уларнинг фаолияти самарадорлиги, маҳсулдорлиги ва ижронинг тезкор амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, самарадорликни баҳолаш натижаларидан қандай фойдаланиш ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар тартиби белгиланмаган. Айрим ҳолларда назорат яқунлари кўрилган чоралар ва расмий талаблар кўлами ташкилотнинг мавжуд молиявий салоҳияти имкониятларидан юқори бўлиб ходимларни турли жавобгарликларга (интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий) тортиш, уларнинг кайфияти, иш унуми ва ишга бўлган рағбатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу эса маҳаллий давлат ҳокимияти органи фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни янада такомиллаштириш юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб эканлигини англатади.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи

омиллар“га бағишланган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг моҳиятини англашда, биринчи навбатда, “*омил*” нима, деган тушунча ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Омил (лотинча “*factor*” сўзидан олинган бўлиб, килувчи, амалга оширувчи деган маънони билдиради) маълум бир жараён сабабчиси, уни ҳаракатлантирувчи, унинг характери ёки хусусиятларини белгиловчи куч<sup>1</sup>.

Муаллиф мазкур параграфда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига таъсир қиладиган ички ва ташқи омилларни ажратиб келтириб ўтган.

Ички омилларга:

– маҳаллий Кенгаш депутатларига рағбат бериш, натижага йўналтирилганлик, яъни уларни ҳаракатлантирувчи куч ва сабабларнинг мақсадли йўналтирилгани;

– маҳаллий Кенгаш депутатининг стажи;

– депутатлар таркибининг сифати ва шаклланиш усуллари;

– маҳаллий Кенгаш депутатининг моддий таъминоти даражаси;

– депутат фаолиятининг доимий асосда ташкил этилмаганлиги;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг мақсад ва вазифалари, ўз ролини англаб етишлари;

– маҳаллий Кенгаш депутатининг касбий тайёргарлик даражаси;

– депутатларнинг ташаббускорлиги ҳамда шахсий ва ишбилармонлик сифатлари;

– қарорлар қабул қилишда жамоавийлик усулининг қўлланилиши;

– танланган стратегияларнинг белгиланган мақсадларга тўғри келиши ва ҳоказолар.

Ташқи омилларга:

– ижронинг ўта марказлаштирилгани;

– ижро ҳокимиятининг турли ташкилотлари, давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари, ОАВ билан ҳамкорликда ишлашни мувофиқлаштириш;

– депутатликка кўрсатган сайловчилар, сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ўзаро ҳамкорлик қилиш даражаси;

– халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва аҳоли ўртасидаги ҳамфикрлик.

– устувор кадриятлар, давлатнинг стратегик мақсадлари, ижтимоий тизимнинг қонуний концепциялари ва ривожлантириш андозалари, сиёсий курс ва бошқалар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва шу асосда

---

<sup>1</sup> Ушаков Д.Н. Толковый словарь современного русского языка, – М.: “Аделант”, 2014. –800с.

тегишли қонунчиликка маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг қафолатларини янада кенгроқ таъминлашга, уларнинг мустақил ва самарали фаолият юритиши учун имкониятлар ва рағбатлар тизимини жорий этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни дамда “эгилувчан, ўзгаришларга тез мослаша оладиган” маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органини ривожлантириш бу борадаги ислохотларнинг асосий мезони бўлмоғи керак.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмининг ташкилий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган бўлиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш тизими, усуллари, мезонлари ва уларнинг таснифи ёритиб берилган.

Ушбу бобнинг “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш тизими” деб номланган биринчи параграфда тадқиқотчи томонидан “маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш объекти” ўрганилиб, илмий таъриф берилган.

Олиб борилган изланишларга асосланиб, тадқиқотчи маҳаллий ҳокимият вакиллик органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш объекти ҳамда субъектини ажратиб олган.

Тадқиқотчи маҳаллий ҳокимият вакиллик органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш объектини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинган:

- халқ депутатлари Кенгаши фаолияти;
- доимий ва вақтинчалик комиссиялар фаолияти;
- партиявий гуруҳлар фаолияти;
- депутатлар фаолияти.

Қуйидагилар эса баҳолаш субъекти ҳисобланади:

- аҳоли;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашувчи комиссияси;
- сиёсий партиялар.

Депутатлик фаолиятини баҳолаш мезонларини танлаш қуйидаги икки омилга асосланиши лозим: аксарият ҳолларда техник ва ижтимоий самарадорлик мезонлари асосида баҳоланиши мумкин бўлган натижаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва фаолият натижаларини тўғридан-тўғри ҳисобга олиш (сон кўрсаткичлари асосида) орқали баҳолаш, бунда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий самарадорлик мезонлари қўлланилганда, депутатнинг мансаб ва мавқеи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда (сифат кўрсаткичлари асосида) баҳоланади.

Тадқиқотчининг фикрича, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмининг самарали рўёбга чиқариш учун юқорида таҳлил этилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш

муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, қонун ҳужжатларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашни амалга оширишнинг аниқ механизмлари ёритилмаган. Бу эса, мазкур органлар фаолиятини баҳолашни рўёбга чиқаришда тизимли муаммоларга олиб келмоқда.

Ушбу бобнинг “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усуллари” деб номланган иккинчи параграфида, тадқиқотчи маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятини баҳолашнинг у ёки бу усулини танлаш маҳаллий давлат ҳокимияти самарадорлигини баҳолаш усуллари танлови билан чамбарчас боғлиқ деб таъкидлайди.

Олиб борилган изланишларга асосланиб, тадқиқотчи маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкинлигини белгилаб олди: мақсадли бошқарув усули, мажбурий танлов усули, анкеталар ва қиёсий анкеталар усули, таққослаш усули, моделлаштириш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг энг муҳим ва мураккаб бўғини бўлмиш халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини баҳолашда юқорида санаб ўтилган барча усулларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш зарур.

Юқоридаги усуллардан кўрсаткичларни ёки халқ депутатларини таққослаш юз беради, деб бўлмайди. Бунда маълум муддатдаги иш натижалари иш стандартлари билан таққосланади, холос. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятининг таъсирчанлигини баҳолаш халқ депутатлари салоҳиятини баҳолаш имконини беради ҳамда мазкур органда етарли маълумотга эга бўлмаган ходимлар бор-йўқлигини кўрсатиб беради.

Самарадорликни баҳолашнинг жами усулларини самарали қўллаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг функциялари ҳамда баҳоланадиган маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишга жавоб берадиган тузилмаларни такомиллаштириш талаб этилади.

Мазкур бобнинг “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва уларнинг таснифи” деб номланган учинчи параграфида самарадорликни баҳолаш мезонлари ва уларнинг таснифлари таҳлил қилинган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва уларнинг таснифини тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Тегишли илмий манбаларни ва амалиёт материалларини таҳлил қилиш асносида биз баҳолаш мезонларини 4 та асосий устунга ажратиб кўрсатишимиз мумкин: сайловчилар билан ўзаро муносабат; маҳаллий бошқарув фаолияти; очиқлик; ошқоралик. Айни пайтда, ушбу устунларни ҳам ички мезонларга бўлиш мумкин.

Бизнингча, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун “Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашини “намунали” деб топишнинг мезонлари

тўғрисида”ги Низомни қатор мезонлар билан тўлдириш талаб этилади. Бунда баҳолашнинг миқдорий ҳамда сифат мезонларини гуруҳлаштириб, Кенгаш ва депутатларга нисбатан белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Амалий фаолиятда тегишли Кенгашларнинг аҳоли билан ўзаро алоқаси жараёни, одатда, сайловчилар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан танқид қилинади. Давлат бошқаруви академияси тингловчилари (70 нафар) ўртасида баҳолаш ва депутатлар фаолияти аниқлиги бўйича тадқиқотчи томонидан ўтказилган сўров натижаларида ҳам ижобий жавоблар кузатилмади. Бундан келиб чиқиб, ушбу муаммонинг қатор сабаблари санаб ўтилди:

– халқ депутатлари Кенгашларининг етарли даражада тўлиқ ва самарали бўлмаган фаолияти сайловчилар ишончининг пасайишига олиб келиб, бу, ўз навбатида, уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига мурожаат қилмаслигида намоён бўлмоқда – 20%;

– тегишли Кенгашлар депутатларига нисбатан ишончсизлик таъсирсиз қарорлар қабул қилиш ва аҳоли манфаатларига мутлақо жавоб бермайдиган шахсий манфаатларни кўзлаб иш тутиш билан асосланади – 15%;

– депутатларнинг нокомпетентлиги сайловчиларнинг улардан узоқлашишининг сабабларидан яна биридир – 30 %;

– тегишли Кенгаш депутати мандатини қўлга киритгач юзага келадиган калондимоғлик ҳам аҳоли билан самарали мулоқотни йўлга қўйишга салбий таъсир кўрсатади – 35%.

Юқоридаги тадқиқотчи томонидан ўтказган сўровнома жавобларидан келиб чиқиб, тегишли Кенгашлар фаолиятини баҳолаш турли талқинга эга эканини кўриш мумкин. Бироқ, барибир, аксарият респондентлар уларнинг фаолиятини қониқарсиз, деб баҳолаётгани жиддий муаммодир.

Тадқиқотчи томонидан респондентлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда “Халқ депутатлари Кенгаши – депутатлар нима иш қилишлари керак?”, деган савол берилди. Ушбу саволга жавоблар турлича бўлди. Респондентларнинг 26 фоизи – улар “туман/шаҳарга тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди”, 15 фоизи – “сессиялар давомида туман, шаҳар ҳокими томонидан тавсия этилган ҳужжатларни тасдиқлайди”, 11 фоизи – “жавоб беришга қийналаётгани”, 48 фоизи – “халқ депутатлари Кенгаши юқорида қайд этилган барча вазифаларни бажариши”ни қайд этди. Шу тариқа респондентларнинг жавоблари халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти сайловчиларни қониқтирмайди, деган фикрни юзага келтирди<sup>1</sup>. Аслида, бугунги кунда уларнинг мажлислардаги иштироки халқ сайлаган кишилар фаолиятининг ягона “баҳоси” ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Жиззах шаҳар халқ депутатлари Кенгаши депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари орасида ўтказилган ижтимоий сўров материаллари. – Т., 2018.

Тадқиқотчи, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятининг механизми бўйича ўз методологиясини таклиф этишга ҳаракат қилди, булар:

биринчи – мақсад, устувор йўналишлар;

иккинчи – ташқи ва ички омиллар;

учинчи – усуллар ва методология;

тўртинчи – мезонлар, индикаторлар, кўрсаткичлар, баҳолаш ва натижалар.

Тадқиқотда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 27 октябрдаги КҚ-225 – III - сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашини “намунали” деб топишнинг мезонлари тўғрисида”ги Низомни қатор мезонлар билан тўлдириш таклиф этилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолияти самарадорлигининг қуйидаги кўрсаткичларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қабул қилинаётган қарорларнинг аҳоли учун фойдалилик жиҳати;
- сайловчиларнинг бажарилган талаблари улуши;
- фуқароларнинг мурожаатларидаги талабларнинг бажарилиш ҳиссаси;

- депутатлик ва оммавий (жамоат) эшитувларда иштирок этувчи аҳоли улуши;

- аҳолининг вакиллик органига ишончи даражаси;
- фуқароларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятдан қониқиш даражаси;

- вакиллик органи фаолиятининг ОАВда ёритилиш даражаси;

- фуқароларнинг вакиллик органига мурожаатлари сони;

- фуқароларнинг такрор мурожаатлари сони;

- фуқаролар мурожаатлари бўйича масалаларни ҳал этиш тезкорлиги.

Тадқиқотчи томонидан таклиф этилаётган кўрсаткичлар нафақат объектив (миқдор кўрсаткичлари), балки субъектив (фуқаролар фикри) омилларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти самарадорлиги ва сифатини баҳолаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичлардан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятини ички баҳолаш, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги вазиятни қиёсий баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг “**Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш**” деб номланган учинчи боби биринчи параграфи “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили”га бағишланган бўлиб, унда баҳолаш бўйича айрим

хорижий мамлакатлар тажрибаси, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаси давомида шу нарса маълум бўлдики, Франция Парламентида ҳар бир депутатнинг фаолияти мунтазам асосда кузатиб бориладиган ва бунинг самарасида ҳар бир депутат бўйича ахборот-таҳлилий материаллар (диаграммалар) тайёрланадиган сайт (*nosdeputies.fr*) мавжуд.

Мониторинг натижалари сайтда эълон қилинади. У ерда, шунингдек, ҳар бир депутат фаолиятига доир батафсил маълумотлар ҳам кўрсатилади.

Ханчжоу шаҳри (Чжэцзян провинцияси пойтахти, Хитой)да шаҳар маҳаллий ҳокимият органлари самарадорлигини баҳолаш замирида, асосан, қуйидаги қоида ётади, яъни инсон манфаати – самарадорликни бошқаришнинг бирламчи асосидир. Баҳолашнинг асосий кўрсаткичи сифатида аҳолининг маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятидан қониқиш даражаси эътироф этилади. Ушбу кўрсаткич аҳолининг асосий манфаатлари қондирилиш даражаси, фуқароларнинг ахборот олиш, сайловларда иштирок этишга қаноқатли ҳуқуқи, ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлаш кабиларни ўз ичига олади.

Хорижий тадқиқотларда депутатлар (парламентарийлар) фаолиятини баҳолаш мезонлари, парламентаризм тараққиётининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, турлича таснифланади. Кўпчилик олимлар, шартли равишда, депутат фаолиятининг икки жиҳатини, хусусан, вакиллик ва қонунчилик жиҳатларини ажратиб кўрсатадилар.

Олимлар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тўртта йўналишини таклиф этади<sup>1</sup>.

Биринчидан, партиялар ўз номзодлари орасида очиқ ва ҳалол рақобат учун шароитлар яратиб беришлари лозим.

Иккинчидан, партия ичида номзодни сайлаш таомилини янада шаффоф қилиш зарур бўлиб бормоқда.

Аҳолини халқ вакиллари фаолияти ҳақида холис ва тўлиқ хабардор қилиш учинчи вазифа ҳисобланади.

Ва ниҳоят тўртинчи стратегия – маҳаллий сиёсий маданиятни шакллантириш.

Россияда депутатлар ишини баҳолаш бўйича айрим мезонлар ва ушбу баҳолаш тартибларини ўз ичига олган муниципал ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Масалан, “Ульянов шаҳар Думаси депутатлари фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисидаги Низом”да<sup>2</sup> сон (шаҳар думаси йиғилишларидаги иштироки, ишлаб чиқилган ва киритилган қарор лойиҳалари сони, сайлов округида ўтказилган тадбирлар сони ва ҳ.к) ва сифат (маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни

<sup>1</sup> Boston, J. Public Management: The New Zealand Model / J. Boston, J. Martin, J. Pallot, P. Walsh. – Auckland: Oxford University Press, 1996. – 412 p.

<sup>2</sup> Ульянов шаҳар Думаси депутатларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида 27 окт. 2010 й. № 109. – Электрон матнли маълумотлар. – <http://ugd.ru/docs/solutions/2199/9181/2/>.

ташкиллаштириш, фаолиятни режалаштириш сифати, иш юритишни ташкиллаштириш ва ҳ.к) мезонлари мустаҳкамланган.

